

Қалб ва тил



07:30 / 08.04.2019 2638

Луқмон исмли ҳабаш қул бор эди. Хожаси унга қўй сўйишни буюрди. Луқмон қўйни сўйди. Хожаси: «Қўйнинг энг яхши иккита гўштини олиб кел», деди. Луқмон қўйнинг юраги билан тилини олиб келди. Орадан бир неча кун ўтгач, хожаси Луқмонга яна қўй сўйишни буюрди. У қўйни сўйди. Бу сафар хожа: «Қўйнинг энг ёмон икки гўштини олиб кел», деди. Луқмон яна қўйнинг юраги билан тилини олиб келди. Хожаси: «Аввалги сафар қўй сўйганинда «Энг яхши иккита гўштини олиб кел» десам, юраги билан тилини олиб келгандинг. Энди «Энг ёмон икки жойини олиб кел десам, яна юраги билан тилини олиб келибсан-ку?» деди. Шунда Луқмон: «Шу иккиси яхши бўлса, булардан яхши нарса йўқ. Бу иккиси ёмон бўлса, булардан ёмон нарса йўқ», деб жавоб берибди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан